Будем ли мы носить с собой кошелек, который стоит 30 $ или кошелек, который стоит 300 $ - оба вмещают одинаковую сумму денег.

Будем ли мы ездить на автомобиле стоимостью 150 000 долларов или на машине стоимостью 30 000 долларов, дорога и расстояние одинаковы, и мы достигаем того же места назначения.

Если мы выпьем бутылку стоимостью 300 долларов или вино стоимостью 10 долларов, то «кайф» будет одинаковым.

В доме, в котором мы живем, площадью 300 квадратных метров или 3000 квадратных метров – ты одинаково одинок.

Ваше истинное внутреннее счастье исходит не из материальных вещей этого мира.

Если вы летите в классе первого класса или эконом-класса, если самолет падает то ты падаешь вместе с ним.

Итак ... Надеюсь, вы понимаете, что когда у вас есть друзья или кто-то, с кем можно поговорить, то это настоящее счастье!

**Пять неоспоримых фактов:**

1. Не воспитывайте своих детей, чтобы они были богатыми. Воспитывайте их, чтобы они были счастливы. Поэтому, когда они вырастут, они будут знать ценность вещей, а не цену.

2. «Ешьте еду как лекарство. В противном случае вы должны есть свое лекарство в качестве пищи».

3. Те, кто вас любит, никогда не покинут вас, даже если у него есть 100% причин отказаться от Вас он или она всегда найдет одну причину быть стойким и не оставить Вас.

4. Существует большая разница между тем, чтобы быть человеком и тем, чтобы быть человечным.

Если вы просто хотите идти быстро, идите в одиночку!

Но если вы хотите уйти далеко, идите вместе!

Шесть лучших врачей мира
1. Солнечный свет
2. Отдых
3. Спортивная зарядка
4. Диета
5. Уверенность в себе и
6. Друзья

Держите их на всех этапах жизни и наслаждайтесь здоровой жизнью».

**@Psixolog_i_ya**

УДК:619:636.2

**С.Х.Яхшиева,** *ассистент,*
**У Қўзибоева,** *магистр,*
**Б.М.Эшбўриев,** *илмий раҳбар, доцент, СамВМИ*

# СИГИРЛАРДА МАСТИТЛАРНИНГ ЭТИОЛОГИЯСИ ВА ХАРАКТЕРЛИ БЕЛГИЛАРИ

**Аннотация**

*В статье приведены данные научно-исследовательских работ по изучению этиологии, основные виды, особенности течения: характерные клинические признаки.*

**Summary**

*The article presents the data of research works on the study of etiology, the main types, features of the course: characteristic clinical signs.*

***Калит сўзлар:*** *зардобли, катарал, фибринли, йирингли, геморрагик, специфик, клиник, субклиник мастит, крепитация, қизамиқ.*

**Мавзунинг долзарблиги.** Аҳолини арзон ва сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилашга қаратилган ислоҳотларнинг амалга оширилишида чорва моллари касалликлари, жумладан, сигирларнинг мастит касаллиги катта тўсиқлардан бири ҳисобланади. Чунки мазкур касаллик бугунги кунда ҳам маҳаллий, ҳам четдан келтирилган қорамоллар орасида кенг тарқалган бўлиб, нафақат сут сифати ва миқдорига, балки она ҳайвонларнинг пуштдорлик кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Касал сигирларнинг ориқлаб кетиши, маҳсулдорлигининг кескин камайиши, ҳатто мажбуран сўйилиши фермер хўжаликларига иқтисодий зарар келтирмоқда.

Республикамиз фермер хўжаликлари шароитида мастит оқибатида сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ўртача 15-20% га, сутининг ёғлилик даражаси 0,8-1 %га камайиши, сигирларнинг хўжаликда фойдаланиш муддатларининг эса 2-3 йилга қисқариши, қисир қолиши, бузоқларнинг диспепсия билан касалланиш даражасининг ортиши, шунингдек, касал сигирлардан олинган сутни истеъмол қилиши сабабли ёш болаларда қизамиқ (скарлатина) касаллигининг кузатилиши маститнинг ижтимоий аҳамиятга ҳам молик касаллик эканлигидан далолат беради. Шунинг учун маҳсулдор қорамоллар орасида мастит касаллигининг турларини аниқлаш, ташхиси, самарали даволаш ҳамда олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилиши долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади.** Қорамолчилик фермер хўжаликларида парваришланаётган маҳсулдор сигирларда маститларнинг этиологияси, кечиш хусусиятлари ва характерли клиник белгиларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқот объекти ва усуллари.** Тадқиқотлар 2017-2018 йиллар давомида Самарқанд вилоятининг қорамолчилик фермер хўжаликларидаги соғин сигирларда маститларнинг тарқалиши, асосий турлари (зардобли, катарал, катарал-йирингли ва фибринли маститлар) клиникаси ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш мақсадида диспансер тадқиқотлар ўтказилиб, ҳайвонларни парваришланиши ва озиқлантирилиши, сигирларни соғиш технологиясига риоя қилиниши таҳлил қилинди.

Сигирларнинг озуқа рациони таркиби, тўйимлилиги ва соғин сигирлар организм эхтиёжларини қондириш даражаси ўрганилди.

Соғин сигирларнинг мастит билан касалланиш даражасини ўрганиш мақсадида уларда умумий қабул қилинган усуллар ёрдамида клиник текширишлар ўтказилди, шунингдек, елин териси, сут бези паренхимаси ва елин сурғичларининг ҳолати ўрганилди. 12 бош соғин сигирлардан сут намуналари олиниб, МКП-1 сут пластинкаси ёрдамида 5%-ли димастин билан синама ўтказилиб, сигирларнинг яширин мастит билан касалланиш даражаси аниқланди.

**Олинган натижалар таҳлили.** Сигирларда яширин маститларни аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибадаги 12 бош мастит билан касалланганлиги гумон қилинган сигирларнинг 7 бошидан олинган сут намуналарида сутнинг консистенцияси ўзгармади (синама салбий), 3 бош сигирда қисман ўзгариш кузатилди (синама ноаниқ) ва 2 бош сигирлардан олинган сут намуналарида сут қуйқалари борлиги (синама ижобий), яъни 16,7% сигирларда субклиник мастит касаллиги қайд этилди.

Хўжаликдаги жами 12 бош сигирларда мастит аниқланиб, шундан 50% (6 бош) ини зардобли мастит, 25% (3 бош) ини катарал мастит, 17% (2 бош) ини катарал-йирингли мастит, 8% (1 бош) ини фибринли мастит билан касалланган сигирлар ташкил этди.

Маститларнинг диагностикасида сигирларни озиқлантириш типи ва даражасини, организмнинг асосий озуқа элементлари ва биологик фаол моддаларга бўлган талаби қондирилишини ўрганиш муҳим ахамиятга эга.

Хўжаликда соғин сигирлар гуруҳ усулида (ҳар гуруҳда 60-40 бош) парваришланади. Озиқлантириш бир кунда уч марта, суғориш сув охурлари ёрдамида амалга оширилади. Сигирлар асосан бир жойда сақланиб, улар учун фаол мацион ва қуёш нурлари етишмайди.

Сигирлар рационининг силос-концентрат типида эканлиги аниқланди. Рацион таркиби 30 кг ... (56,6%), 10 кг сенаж (17,2%), 2 кг беда пичани (3,4%), 4 кг консервалаш қолдиқлари (6,9%), 4 кг буғдой ёрмаси (6,9%), 5 кг макка ёрмаси (8,6%), 2 кг кунгабоқар шроти (3,4%), 1 кг соя шроти (1,7%), 100 г ўсимлик мойи, 150 г бўр, 150 г ош тузи, 200 г примексдан иборат бўлиб, рационнинг умумий тўйимлилиги 24,0 озиқа бирлигини ташкил этади.

Рационнинг макроэлементли қисми кальцийнинг ортиқчалиги ва фосфорнинг танқислиги оқибатида улар ўзаро нисбатларининг номутаносиблиги билан характерланди. Фосфорнинг кальцийга нисбати 0,38 ни (меъёр - 2,0:1) ташкил этди.

Адабиёт маълумотларидан маълумки, рационда оқсилли ва ширали озиқаларнинг ортиқчалиги организмда сув-туз нисбатининг ўзгариши, ортиқча сувнинг тўпланиши, тананинг пастки қисмларида, жумладан елинда шишлар пайдо бўлиши ҳамда мастит ривожланишига сабаб бўлади.

Катарал мастит билан касалланган сигирларда клиник статус ўрганилганда, касалликнинг биринчи кунда кўпинча елин катталашмаган бўлиб, асосан елиннинг иккита, баъзан учта чораги жароҳатланиши кузатилди. Касалликнинг учинчи кунида эса шикастланган елин чораклари катталашиб, чуқур пайпаслаб кўрилганда сут цистернаси соҳасида крепитация аниқланди. Ҳайвонда тана ҳароратининг кўтарилиши ва иштаҳасининг деярли йўқолиши характерли бўлди. Соғиб олинган сут суюқ бўлиб, ҳайвонда умумий ҳолсизланиш, иштаҳанинг камайиши ва тана ҳароратининг кўтарилиши қайд этилди. Елиннинг соғлом чорагига қараганда унинг жароҳатланган бўлагидан сут ажралиши камайган, елин катталашган бўлиб, сут соғиб олингандан кейин ҳам кичраймаслиги, елин сўрғичининг асоси пайпасланганда қаттиқлашганлиги қайд этилди.



**Сигирларда катарал-йирингли мастит пайтида елиннинг кўриниши**

Катарал-йирингли мастит билан касалланган соғин сигирларда елин усти лимфа тугуни катталашган, умумий ҳолсизланиш, нафас ва юрак уришининг тезлашиши, умумий тана ҳароратининг 41°С гача кўтарилиши, сут беришнинг кескин камайиши характерли бўлди. Елиннинг жароҳатланган бўлаги катталашган, шишган, маҳаллий ҳарорати кўтарилган, терининг рангсиз қисмлари кучли қизарган, пайпасланганда ва соғиш пайтида кучли оғриқ сезилади. Елиннинг жароҳатланган бўлагидан асосан сувсимон, таркибида ивималар бўлган, қизғиш рангда сут ажралиши қайд этилди.

Фибринли мастит билан касалланган 1 бош сигирда елиннинг жароҳатланган бўлаги катталашган, қаттиқлашган ва оғриқли бўлиб, пайпаслангандa фибринли ҳосиланинг қисилиши ҳисобига ўзига хос ишқаланиш товуши эшитилди. Сут маҳсулдорлигининг кескин камайиши ва кейинчалик бутунлай тўхташи қайд этилди. Бу елин паренхимасида қайта тикланмайдиган ўзгаришлар кузатилишидан далолат беради.

**Хулоса.** 1. Соғин сигирларнинг мастит билан касалланишида уларни сақлаш шароитлари ва сут соғиш қоидаларига риоя этилмаслиги, рационларнинг такомиллашмаганлиги, яъни рационда оқсилли ва ширали озиқаларнинг ортиқчалиги, енгил ҳазмланувчи углеводлар ҳамда клетчатканинг етишмаслиги, сув-туз алмашинувининг бузилиши, сигирлар учун фаол яйратиш ва қуёш нурларининг етишмаслиги асосий этиологик омиллар ҳисобланади.

2. Маҳсулдор сигирлар орасида маститлар кенг тарқалган бўлиб, шундан 50% (6 бош) ини зардобли мастит, 25% (3 бош) ини катарал мастит, 17% (2 бош) ини катарал-йирингли мастит, 8% (1 бош) ини фибринли мастит билан касалланган сигирлар қайд этилди.

3. Мастит билан касалланган сигирларда клиник статус касалликнинг кечиши ва турига кўра турли клиник белгилар билан характерланиб, ушбу патогномоник белгиларни касалликнинг диагностикаси, даволаш ва олдини олишда эътиборга олиш лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Кондрахин И.П., Левченко В.И. Диагностика и терапия внутренных болезней животных. – М.: «Аквариум-Принт», 2005.– С. 652-664

2. Коба И.С. Усовершенствование комплексной фармакотерапии при остром послеродовом мастите бактериално-микозной этиологии. Автореф. дисс докт.вет. наук. 2009. –С. 28-33.

3. Лимаренко А.А. Усовершенствование этиотропной терапии животных при мастите у коров. – Ставропол, 1999.

4. Никитина В.Я., Миролюбов М.Г. и др. Ветеринарное акушерство, гинекология и биотехника размножения. – Москва: «Колос», 1999.

**А.Ш.Алимардонов,**
*Тошкент давлат аграр университети*

# ЧОРВА МОЛЛАРИНИНГ ПУШТДОРЛИГИНИ ЯХШИЛАШДА БИОТЕХНОЛОГИК УСУЛЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги ПҚ -3057-сонли “Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасиниг 2017 йил 19 июлдаги 517-сонли қарори билан тасдиқланган “2018-2021 йилларда йилқичилик ва от спортини комлекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги дастурининг 4-5 бандларида қорабайир зотли отларнинг янги линия ва оилаларини яратиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш ва отларни сунъий уруғлантириш, эмбрионларни трансплантациясини йўлга қўйиш бўйича устивор вазифалар белгилаб берилган.

Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти Республика “Насл-хизмат” уюшмаси билан ҳамкорликда қорабайир зотининг янги линия ва оилаларини яратиш, бияларни республикамизда илк бор сунъий уруғлантириш ва эмбрионларни трансплантация қилиш борасида 2018-2021 йилларда илмий тадқиқотлар олиб боради.

Бияларни сунъий уруғлантиришни жорий этиш натижасида бир қанча муаммолар ижобий ҳал этилади: келиб чиқиши номаълум бўлган, маҳсулдорлиги паст айғирлардан фойдаланишга чек қўйилади, яқин авлодларни бир-бирлари билан чатишиб кетишининг олди олинади, селекция ишларини кенг кўламда олиб боришга имкон яратилади, йилқиларда ҳар хил юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинади, қулун олиш, маҳсулот етиштириш кўпайиб, харажатлар камаяди, даромад кўпаяди, чет элдан энг зотдор йилқилар уруғини, эмбрионларини олиб келиш натижасида иқтисодий самарага эришилади.

Бияларни сунъий қочиришга тайёрлаш улар инсонларни жароҳатлашини (травматизм) огоҳлантирган ҳолда қўшимча тадбирларни амалга ошириш билан бошланади. Бияни махсус сунъий қочириш қурилмасига (станокка) киритиб, олдинги оёғи кўтариб боғлаб қўйилади, чунки орқа оёғи билан тепиши мумкин.

Бия думи асоси бинт билан боғланади. Отбоқар бия думини ён томонга тортиб, Эсмарх идиши билан жинсий органнинг ташқи томонини фурацилиннинг 1:5000 нисбатли эритмаси билан ювади, техник-уруғлантирувчи бияларни сунъий уруғлантиришда икки усул – визоцервикаль ва маноцервикаль усуллардан фойдаланади.

Маноцервикаль усулда резинали ва полистерол катетерлардан фойдаланилади. Техник уруғлантирувчи махсус қўлқоп кийиб қўлини бия қинига киритади, катетер бош қисми бачадон бўйинчаси орқали бачадон танасига ўтказилади, техник ёрдамчиси шприцни кўтариб уруғни юборади.

Визоцервикаль усулда эбонит ёки полистерол катетерларидан (ВНИИК – Россия йилқичилик БИТИ тайёрлаган) фойдаланилади. Катетер найсимон бўлиб, узунлиги 50 см, қалинлиги 0,6 см, бир томони кенгайтирилган бошсимон. Катетер шприц ёки ампулага бирлаштирилади. Катетер стерилланган ва 0,9 фоиз NaCl эритмаси билан намланган қин ойнаси билан бирга фойдаланилади.

Биялар янги олинган ёки уч кун давомида 2-4 °C да сақланган ёки музлатилган уруғни эритиб тайёрланган уруғ билан уруғлантирилади.

Музлатилган уруғни эритишда алюмин пакетда жойлашган уруғ Дьюар идишдаги суюқ азот ичидан пинцет билан олиниб, 40°C илиқликдаги сув ҳаммомига бир дақиқага жойлаштирилади.

Айғирдан янги олинган уруғ дозаси 25-30 мл дан иборат бўлиб, унда 150-300 мл сперматозоидлар мавжуд, активлиги 6 баллдан кам бўлмаслиги, музлатиб эритилган уруғнинг активлиги эса 2 баллдан кам бўлмаслиги зарур.

Уруғ 30-35 °C иситилган ҳолда юборилиши керак. Сунъий уруғлантирилган бияларни 8-9 кундан кейин синовчи-айғир билан куйга келганлиги текширилади, 35-40 кун ўтгач ректал усулда бўғозлиги текширилади.

Жиззах вилояти Ш.Рашидов туманидаги Работ қишлоғида жойлашган Республика чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм отчилик хўжалигида мамлакатимизда илк бор ўзбек олимлари томонидан 2018 йил 20 апрель куни қорабайир зотига мансуб “Кабутар” лақабли айғирдан сунъий қиндан (ВНИИК олимлари тайёрлаган) фойдаланиб, уруғ олишга эришилди.

Олинган уруғлар баҳоланиб, куйга келган икки бош бия сунъий уруғлантирилди. Бу биотехнологик усул 2012 йилда Бутун Россия Йилқичилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланма асосида олиб борилди.

Мамлакатимизда қорамолчиликда сунъий қочириш ишлари 60 йил илгари бошланган, 1956 йилда наслли буқалардан уруғ олиниб, республикамиз хўжаликларига тарқатила бошланган ва ҳозирги кунда фаолият кўрсатиб келаётган “Ўзнаслчилик” давлат корхонасига асос солинган. Ушбу корхонада бугунги кунда голштин, симментал, қора-ола, қизил чўл, англер, швиц, абердин ангус, санта-гертруда ва Бушуев зотли наслли буқаларнинг 3 миллион дозадан ортиқ сара уруғлари сақланмоқда. Республика “Насл-хизмат” уюшмасининг вилоят ташкилотлари орқали

насли буқаларнинг музлатилган уруғлари туманлардаги зооветеринария шохобчаларига шартнома асосида етказиб берилмоқда.

Мамлакатимизда сигирларда эмбрионларни трансплантация (кўчириб ўтказиш) қилиш ишлари илк бор 1986 йилда Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтида, кейинчалик 1987 йилдан бошлаб Қорамолчиликда селекция маркази "Зигота" лабораториясида олиб борилган. Тошкент вилоятининг собиқ "Қизил шалола", "Политотдель", "Чиноз" ва Сирдарё вилоятидаги собиқ "Малик" ҳамда Андижон вилоятининг собиқ "Савай" наслчилик хўжаликларида сигирларда эмбрионларни кўчириб ўтказиш бўйича шохобчалар ташкил этилиб, 200 бошдан ошиқ сигирларга эмбрионлар кўчириб ўтказилди, 60 бошдан ошиқ бузоқ – трансплантантлар олинди.

Чорвачиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш учун чорвачиликда биотехнологик усуллардан самарали фойдаланиш давр талабидир.

**Фойданилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги ПҚ-3057-сонли "Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги № 517-сонли "2018-2021 йилларда йилқичилик ва от спортини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорнинг Дастури.

3. Инструкция по искусственному осеменению и трансплантации эмбрионов лошадей. –Россия, Рязан, Дивова: Изд. ГНУ ВНИИК. 2012.-С. 5-39.

4. Алимарданов А. "Ўзбекистон шароитида йирик шохли моллар эмбрионларини трансплантация қилишнинг самарадорлиги" мавзусидаги биология фанлари номзоди илмий даражаси химояси диссертациясининг автореферати. – Москва, Подолск, п.Дубровиц. ВИЖ. 1990.

5. Нурматов А.А., Алимардонов А.Ш., Мансуров О., Жаббаров Ш. "Йилқичиликда суньий уруғлантириш ва эмбрионлар трансплантациясининг самарадорлиги".// "Чорвачилик ва наслчилик иши" – Тошкент, 2018. №02-03. –Б. 25-26

---

**УДК:616.5.089.088.061**

**А.Б.Собиров**, *талаба,* **А.Маматқулов,** *талаба,*
**Б.Ф.Ўлмасов,** *илмий раҳбар, ТошДАУ*

# ҚОРАМОЛЛАР КАТТА ҚОРИН ҚИСМИГА ФИСТУЛА ҚЎЙИШ ТЕХНИКАСИ

**Аннотация**

*Ретикулит и ретикулоперитонит, заболевания органов пищеварения лечатся хирургическим путем. В статье описаны преимущества установки фистулы в брюшной полости скота при лечении этих заболеваний.*

**Аннотация**

*Reticulitis and reticuloperitonitis, diseases of the digestive organs are treated surgically. The article describes the advantages of installing fistula in the abdominal cavity of cattle in the treatment of these diseases.*

***Калит сўзлар:*** *қорамоллар, катта қорин, ошқозон, ретикулит, атония, фистула, ретикулоперитонит.*

**Мавзунинг долзарблиги.** Сўнгги пайтларда қорамоллар ҳазм органларида учрайдиган касалликлардан травматик ретикулит ва ретикулоперитонит касалликларининг келиб чиқиш омиллари ортиб бормоқда. Ушбу касалликларни даволашда руменотомия жарроҳлик амалиёти кенг қўлланилиб келинмоқда.

Мазкур касалликлар асосан катта қоринда кечиши сабабли операция ўтказилган ҳайвонларда соғайиб кетгандан сўнг яна қайталаниш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса навбатдаги жарроҳлик амалиётини ўтказишни талаб этмоқда. Шу сабабдан ривожланган мамлакатларда бу соҳада олиб борилаётган илмий изланишларни юртимизда тадбиқ этиш ва юқори маҳсулдор ҳайвонларни тез ва сифатли даволаш учун қорамоллар катта қорин қисмига фистула қўйиш техникасини синаш мақсадида тадқиқотлар олиб бордик.

**Жарроҳлик техникаси.** Қорамоллар катта қорин қисмига фистула қўйишни амалга оширишда асосан ҳайвонни операцияга тайёрлаш, жарроҳлик техникасини тўғри бажариш, жарроҳлик амалиётидан кейинги жароҳатлар муҳим аҳамият касб этади.

**Фиксация.** Станок ёки девор олдида ҳайвон бурнига бурун қисқичини ишга солиб, ҳайвон орқа чап оёғи тахта ёки бошқа нарса билан тўсиб қўйилади.

**Оғриқсизлантириш.** Маҳаллий инфилтрация усули билан ёки ўтказувчанлик (паравертебрал ёки паролюмбал) йўл орқали оғриқсизлантирилади. Перитонит бўлишининг олдини олиш мақсадида В.В.Мосин усули бўйича ички ва чегара симпатик нерв таналарининг плевра усти блокадаси маҳаллий оғриқсизлантириш олиб борилаётган вақтда ўтказилади.

Жарроҳлик амалиётини бошлашдан олдин жарроҳ оч биқин марказидан тўрқорин ости чегарасигача қўлининг узунлиги тўғри келишига ишонч ҳосил қилиши керак. Буни аниқлаш учун жарроҳ олдин ҳайвон танаси устига ўнг қўлини қўйиб чўзганда унинг елка бўғими оч биқин марказ текислигида, бармоқларининг учи курак орқа четига тегиши керак.

Жарроҳлик амалиётини ўтказишнинг кўпинча чап оч биқиндан парокостал кесиш усули тарқалган. Охирги қовурға орқасидан уч бармоқ нари, унга параллел ва бел умуртқаларининг қовурға кўндаланг ўсимтаси учидан



*1-расм. Терини андоза асосида кесиш*



*2-расм. Катта қоринни стабиллашда 12-, 3-, 6-, ва 9-соат айланаси бўйлаб чоклаш*



*3-расм. Тўқималарни чоклаш*

бир кафт пастга тушиб жарроҳлик амалиётини ўтказиш майдончаси тайёрланади ва тери фистула андоза (шаблон) ёрдамида айлана қилиб кесилади (1-расм). Терининг кесилган чизиғи йўналишига қараб қорин девори мускул қаватлари ҳам кесилади. Катта қорин девори силжишини олдини олиш мақсадида 12-, 3-, 6-, ва 9-соат айланаси бўйлаб чок қўйилади (2-расм).

Стабилланган катта қорин девори ҳам айлана шаклида кесилади. Капиллярларда қон кетиш юзага келганда қон оқишини тўхтатувчи усул ва воситалардан фойдаланилади. Кесим ўтказилган катта қорин қисми қисқичлар ёрдамида фиксация қилинади ва катта қорин ичидаги озуқалар чиқариб ташланади.

Лигатура билан фиксация қилинган катта қорин деворида ҳам кесим ўтказилади ва кесилган тўқималар бирлаштирилиб, узлуксиз чок қўйилади. Чокланган тўқималарга ташқи томондан асептик, антисептик ишлов берилади (3-расм).

Ҳосил бўлган катта қорин тешигига фистула қўйилади (4-расм). Фистулани қўйишдан аввал 60-70 $^{o}$C ли сувда 5-7 дақиқа ушланади. Фистула тайёр бўлгандан сўнг асептик, антисептик ишлов берилади ва катта қоринга қўйилади.

Фистула қўйилган ҳайвоннинг умумий физиологик ҳолати текширилади ва парҳез асосида рацион белгиланади. Жароҳатга антисептика воситалари билан 10 кун давомида ишлов берилади.

Қорамоллар катта қорнига қўйилган фистула руменотомия техникаси асосида бажарилади. Руменотомия техникаси қўлланилганда катта қорин қисмида ҳазм бўлиш жараёнини кузатиш имкониятлари чегараланади. Катта қоринга фистула қўйилган қорамолнинг ҳазм қилиш жараёнини кузатиш, ретикулит ва ретикулоперитонит ҳолатларида катта қоринда тўпланадиган массани чиқариш, бадҳазм озуқаларни олиб ташлаш, заҳарланиш ва ҳазм бўлиш жараёнига таъсир этувчи омилларни бартараф этиш имкониятлари кенгаяди. Катта қоринга қўйилган фистуланинг қорамол организмига ва умумий физиологик ҳолатига ножўя таъсири кузатилмади.

**Хулосалар:**

– ҳазм органлари фаолиятини кузатиш орқали ўрганиш;

– озуқаларнинг ҳазм бўлиш коэффициентини аниқлаш;



*4-расм. Фистула қўйиш*

– ошқозонга ёт жисмлар тушиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган касалликлар (травматик перикардит, темпания, атония каби) ни олдини олиш;

– озуқани ҳазм қилувчи ферментлар, ширалар ва микроорганизмлардан озуқа муҳити сифатида фойдаланиш имкониятларини яратади.

Ҳозирда қўлланиб келинаётган руменотомия усулида доимий назорат қилиш имконияти чегараланганлиги сабабли қорамолларнинг катта қорин қисмига фистула қўйиш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Haven ML, Wichtel JJ, Bristol DG, et al. Effects of antibiotic prophylaxis on postoperative complications after rumenotomy in cattle. J Am Vet Med Assoc 1992;200(9):1332–5.

2. Turner AS, McIlwraith CW. Rumenostomy (rumenalfistulation). In: Techniques in large animal surgery. Philadelphia: LeaandFebiger; 1989. p. 268–71.

3. Garry F. Diagnosing and treating indigestion caused by fermentative disorders. Vet Med 1990;85(6):660–70.

4.Рустамов Х.К., Оқбутаев Я.О., Нарзиев Б.Д. «Оператив хирургия». – Самарқанд, 1997.

5. Ниёзов Х.Б., Давлатов Н.Ш. «Умумий ва хусусий хирургиядан амалий машғулотлар». – Самарқанд, 2013

6. Магда, Б.З.Иткин, И.И.Воронин и др. «Оперативная хирургия». – М.:«Колос»,1990.

## ИБРАТЛИ УМР



Ички юқумсиз касалликлар ва диагностика кафедраси мудири, доцент Хабиев Мустафо Собирович номи тилга олинганда унинг юксак инсоний фазилатлари, илмга бўлган чексиз меҳри алоҳида таърифланади. Дарҳақиқат, илм ўз ортидан эргашганларни нурли манзилларга элтади. Мустафо Хабиев ҳам мана шундай шарафли йўлни сабр, матонат билан босиб ўтиб, дўстлари, шогирдлари эъзозида кексалик гаштини сурмоқда.

Устоз 1928 йил Самарқанд шаҳрида Собир ота ва Омина ая хонадонида таваллуд топди. Оталари ўз даврининг хат-саводли, зиёли инсонларидан эди. Фарзандига яхши ният билан Мустафо деб исм қўйишди ва бола тарбиясига жиддий эътибор қаратишди. Вақт ўтиб Мустафо Хабиев қалби пок, билимга чанқоқ инсон бўлиб камол топди, болаликдан меҳнатда тобланди.

У узоқ вақт собиқ Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг Ички юқумсиз касалликлар ва диагностика кафедрасининг ординатор врачи ва мазкур кафедра ассистенти бўлиб ишлади. Талабаларга, бўлажак ветеринария мутахассисларига ички юқумсиз касалликлар, радиобиология, клиник диагностика ва рентгенология фанларидан билим берди.

Устоз 1969 йилда Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида профессор Х.З.Ибрагимов раҳбарлигида “Лаборатория ҳайвонлари (чўчқа ва йирик шохли ҳайвонлар)да кўпайиш органларига арпа бошоғидаги қора куя устилаго ва триходесмо токсикозларининг таъсири” мавзусида ветеринария фанлари номзоди диссертациясини ҳимоя қилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан фан арбоби, йирик олим, ветеринария фанлари доктори, профессор Хаким Ибрагимов шогирди Мустафо Хабиевни «илм йўлидаги ҳар бир масаланинг моҳияти ва мазмунини кунт билан ўрганувчи, ўта масъулиятли ва зукко олим» дея, эътироф этган эди. Дарҳақиқат, Мустафо Хабиев мана шундай фидойилиги сабаб “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони ва “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими” фахрий унвонлари билан тақдирланди.

Устоз Мустафо Собировичга ибратли умр ва қўша қариш бахти насиб этди. Турмуш ўртоғи Сара Фахрутдинова билан икки ўғил ва бир қизни вояга етказишди. Бугун улар оила файзи, меҳрибон бобо ва буви сифатида ардоқланишади. Яқинда устознинг таваллуд айёми муносабати билан унинг умр йўлига яна бир назар ташланди. Унинг фаолияти ўзига хос тажриба мактаби эканлиги таъкидланди. Устозга соғлик-саломатлик, куч-қувват тилаймиз.

**А.Рахмонов, Й.Сатторов, Ғ.Шомурадов**

## ЭЛ ЭЪЗОЗИДАГИ ВЕТЕРИНАР



Матқурбон ота Искандаров айни чоғда 78 ёшни қаршилаган бўлса-да йигитлардек бардам, сўзлари ўткир. Боиси унинг атрофида илму маърифат булоғидан сув ичган 9 фарзанд парвона. Улар ишдан сўнг дарҳол падари бузруквори ҳузурига чопишади, ундан ҳол-аҳвол сўрашади. Бундай эътибору эъзозда бўлиш инсон учун энг олий бахт саналади. Қолаверса, қалбда шукроналик ҳисси мавж урганда руҳият енгил тортаверади. Аммо бу кунларга етиб келиш Матқурбон ака учун осон бўлмади. У болалик хотиралари ҳақида сўзлаганда, 10 ёшида отасидан ажраб қолгани, онаизори Ниёзжон онанинг 4 ўғил, 4 қизни қийинчилик билан катта қилгани, шундай оғир паллада ҳам келажакка умид билан боқиб, фарзандларига “Бу ҳаётга келган одамнинг ҳатто бурни ҳам қонамасин, катта бўлсангизлар албатта дўхтир бўлинглар, одамларнинг жонига оро киринглар” деб қайта-қайта такрорлаганини тез-тез ёдга олади.

– Онамнинг орзу умидлари ушалди, – дейди Матқурбон ака. – Акам (жойлари жаннатдан бўлсин) Бегмат Искандаров аввал мени ўқитди, кейин ўзи ҳам институтда ўқиди. Кейинроқ сингилларим ҳам Самарқанд тиббиёт институтини тугатиб, ўз соҳалари бўйича фаолият юритишди.

Матқурбон отани ташкилотчи раҳбар сифатида ҳам яхши эслашади. У 1977 йилларда янги лаборатория биносини қуришда марказга келиб идорама-идора юрди ва 1980 йилда лабораторияни янги бинода иш бошлашига бош-қош бўлди.

– Матқурбон ҳар тарафлама баркамол, меҳнатдан қочмайдиган, чуқур билимли, изланишдан тинмайдиган, касбига содиқ шогирдларимдан бири. Айниқса, ветеринар врач сифатида касбига содиқлигини, инсон сифатида очиқ кўнгиллилигини ҳурмат қиламан, бир сўз билан айтганда, Матқурбон дўхтир мақтовга мухтож одам эмас, унинг баҳосини халқ бериб бўлган, – дейди узоқ йиллар Боғот тумани ветеринария бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган устози 83 ёшли Эрназар бобо Худайберганов.

Дарвоқе, Матқурбон отанинг оиласини зиёлилар сулоласи десак бўлади. Унинг оқилу фозил фарзандлари, набиралари эл хизматида. Устозимизга узоқ умр, соғлик-саломатлик, яқинлари бахтига доимо омон бўлишларини тилаб қоламиз.

**Боғот тумани ветеринария бўлими ва<br>ташхис маркази жамоаси**

## МЕҲНАТ ВА САБР МЕВАСИ



Айни пайтда Тўрткўл туман ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги маркази ветврачи лавозимида меҳнат қилаётган Аширберди Рахманов фаолияти давомида кўплаб вазиятларга дуч келди. У мана шундай дамларда ўзининг билими, тажрибасига таянган ҳолда тўғри қарор қабул қилиб, ижобий натижага эришгани учун атрофдагилар эътиборини қозонди. Балки бу иш жараёнидаги одатий ҳолдир. Бироқ ҳар қандай масаланинг ўз вақтида ечим топиши барча учун манфаатлидир.

Табиатан вазмин, касбига масъулиятли бу инсон бир неча йил туман ветеринария бўлими бошлиғи ўринбосари, 2009-2016 йилларда эса туман ветеринария бўлими бошлиғи лавозимида меҳнат қилди. Мана шу даврда Аширберди Рахманов жамоа билан биргаликда туманда эпизоотик вазият осойишталигини таъминлаш, чорва бош сонини ошириш йўлида самарали иш олиб борди. Айни пайтда ҳам ғайрат, шижоат билан ёшларга ўрнак бўлиб, эл хизматида бўлган ҳамкасбимиз 5 фарзанднинг меҳрибон отаси.

Кутлуғ 60 ёшини қарши олган Аширберди Раҳмановга соғлик-саломатлик, куч-қувват, фарзандлари камолини тилаймиз.

***Тўрткўл туман ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат<br>маҳсулотлари хавфсизлиги маркази жамоаси***

## ШАРАФЛИ БУРЧ



Сурхондарёнинг ўзига хос иқлими, табиий шарт-шароитлари ветеринарлар оиласида камолга етаётган Венера опага ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бепоён кенгликларда, тоғли ҳудудларда сурувларнинг ёйилиб ўтлаши, эндигина туғилган қўзичоқларнинг совлиқлар ортидан “маъраб” югуриши унинг жажжига қалбида ҳайвонот оламига меҳр уйғотди. Гарчи у ўша пайтларда ҳайвонларни даволаётган отасининг ҳаракатларини кўплаб кузатган бўлса-да, жониворга азоб бераётган дарддан жуда қўрқарди. Отасига кетма-кет “тузаладими, қачон тузалади” дея савол берарди.

Мактабни муваффақиятли тамомлаган Венера Қаршиева ҳеч иккиланмай Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирди. Таҳсил давомида оиладаги муҳит унга жуда ўнг келди. Бошқа талабаларга нисбатан ўзлаштириши тез, интилувчан Венера опа устозлар эътиборини тортди ва ўқишни тамомлаб ушбу даргоҳда иш бошлади. Мана 28 йилдан буён талабаларга дарс бериб келмоқда. Фаолияти давомида унинг кўплаб мақолалари чоп этилди, “Балиқларнинг заҳарланиши”, “Балиқ ва асаларилрнинг касалликлари” ўқув қўлланмалари нашрдан чиқди.

Бугун ҳам мана шу шарафли вазифани адо этаётган ҳамкасбимиз икки фарзанднинг меҳрибон онаси. Талабалари ва фарзандлари келажаги Венера опа учун барча нарсадан муҳим. Бу йўлда унга мустаҳкам соғлик, куч-қувват, эзгу ниятлари ижобатини тилаймиз.

**Курсдошлари**

## ШОГИРДЛАРГА ЎРНАКДИР УСТОЗ



Олим акани қуршаб олган 37 нафар ўқувчининг аксарияти келгуси йил Самарқанд ветеринария медицинаси институтига топширмоқчи, пойтахтга, хорижга кетишни кўзлаётганлар ҳам йўқ эмас. Чунки Бухоро шаҳрида жойлашган коллежнинг ветеринария бўлимида ўқув-тарбия соҳасидаги интизом қаттиқ, устозлар талабчан ва яна ветеринария бўлими керакли жиҳозларга тўла. Олим ака шогирдларига “ветврачлик шундай баракали касбки, уни пухта эгалласанг, нонинг бутун бўлади, пул ҳам топасан, обрў ҳам” деган. Буни амалиёт жараёнида кўрсатиб берган. Амалиётни ўқувчилар вилоятдаги энг катта фермаларда зукко ветврачлар, осеменаторлар кузатувида ўтказмоқда. Чунки вилоятда меҳнат қилаётган ва айни чоғда туман ветеринария бўлимларининг бошлиғи бўлиб ишлаётганларнинг аксарияти Олим аканинг шогирдлари. Ахир Олим Жўраев ўн йилга яқин Вобкент туман ветеринария бўлимини, тўрт йилча вилоят ветеринария бошқармасини бошқарди. Шу тариқа у Бухоро вилоятида эпизоотик барқарорликни сақлашга, ветеринария соҳасининг обрў-эътиборини кўтаришга муносиб ҳисса қўшди. У ишлаган даврда бирор ёш мутахассис назардан четда қолмади. Устоз сифатида у айни пайтда ҳам шогирдларининг ютуғидан қувониб яшамоқда.

Бухородан қайтар чоғ Олим акага ёшлик шиддатини, оилавий тўкинлик ва омад тiладик. Орзулар рўёбга чиқаверсин, Олим ака!

***Набижон Эргашев***

## ЯХШИЛАР ЁДИ МАНГУ ЯШАЙДИ



Инсон умри ўлчовли. Мана шу белгиланган синов муддатда эзгулик йўлида ҳаракат қилиш барчамизнинг бурчимиздир. Зеро қилинган ҳар бир яхшилик инсон номини абадиятга муҳрлайди.

Ортидан кўплаб шогирдлар қолдирган, ветеринария соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Нафиса Саттарова сиймоси қалбларда мангу яшайди. У 1938 йилда таваллуд топди. Ёшлик чоғларида илм эгаллашга интилди, кейинчалик ўзи ҳам талабаларга ветеринария йўналишида сабоқ берди. Фидойи устознинг меҳнаткашлиги, касбга садоқати, меҳри туфайли кўплаб шогирдлари моҳир мутахассис бўлиб етишди.

Нафиса Саттарова турмуш ўртоғи ветврач Сойиб Саттаров билан тўрт нафар фарзандини ҳам ветеринария соҳасига йўналтириб, барчасини олий маълумот олишига шароит яратишди. Айни пайтда Тошкент шаҳар ветеринария бошқармаси бошлиғи лавозимида меҳнат қилаётган Малика Саттарова ҳам мана шу даражага етишишида ота-онасининг хизмати беқиёс эканлигини таъкидлайди.

Яқинлари қалбида яхши хотира қолдирган, фарзандлари учун мунис ва мўътабар инсон Нафиса Саттарованинг охиратлари обод бўлсин.



Сирдарё вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи ўринбосари Соитов Санакул Хусанович бу йил 63 ёшга қадам қўйган эди. У турмуш ўртоғи Бувхажар опа билан беш нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказган, набиралари ардоғидаги севимли бобо эди.

Санакул Соитов меҳнат фаолиятини Сирдарё вилояти Гулистон тумани ветеринария бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимида бошлаган. 1984 йилдан 2016 йилга қадар Гулистон туман ветеринария бўлимига раҳбарлик қилди. Сўнгги йилларда вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган эди.

Санакул Хусанович самимий инсон, ҳаётини ветеринария соҳасига бағишлаган, соҳанинг янада ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган мутахассис эди.

У қайси лавозимда фаолият юритмасин, доимо тўғри сўзлиги, билимдонлиги, ишига масъулият билан ёндашиши орқали бошқаларга ўрнак бўла олди. Ушбу эзгу фазилатлари ҳамкасблари, шогирдлари қалбида унга нисбатан ҳурмат-эътиборни янада юксалтирди. Санакул Саитовнинг ёрқин хотираси қадрдонлари қалбида мангу яшайди.

***Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси ва “Veterinariya meditsinasi” журнали жамоаси***

VETERINARIYA MEDITSINASI

# ҚУРИГАН ДАРАХТ

**Сюгоро ЯМАМОТО,**
**япон адиби**

Хэй ўзи қуриб олган кулбада ёлғиз яшайди. Ерга тўртта устун кўмди-да, эски-туски тахталар қоқиб, атрофини беркитди, томига эса ахлатхоналарда занглаб ётган тунукаларни келтириб босди. Кейин бир эшик топиб ўрнатдики, ундан кириб-чиқиш учун нақд икки букилиш керак. Кулбанинг жануб томонидан тўртбурчак туйнук очиб, ёруғликни аранг ўтказадиган хира ойна қўндирди.

Бу кўчада яшайдиган одамлар қандайдир йўллар билан ўз кулбаларининг ғариблигини яширишга ҳаракат қиладилар: деворга чиройли барглардан бир дастасини илиб қўйишадими, тувакларда чирмовиқ ўстиришадими, уйнинг олдидаги бир парча ерга гул экишадими, устунларни, остоналарни ишқалаб-ишқалаб ялтиратишадими, эшик ва ромларни тинмай тозалашадими-ей... Ўзлари мана шуларнинг ҳаммасидан завқ оладилар ҳам.

Хэй бўлса, бундай ишларни ўйламайди. Унинг кулбаси овлоқ жойда, ўт ҳам аранг ўсадиган, сопол парчалари, шиша синиқлари ва шлак уюмлари билан тўлиб кетган ташландиқ бир ерда. Кулбанинг эшигидан бошланиб, харобазорни кесиб ўтган, билинар-билинмас ёлғизоёқ сўқмоқ Хэйнинг қадамларидан ҳосил бўлган. Дарча олдида баландлиги бир метрдан ҳам ошмайдиган дарахтнинг қуп-қуруқ танаси қўққайиб туради. Кўринишидан, у анча йиллар илгари қуриган ва энди қанақа дарахт эканини ҳам билиб бўлмайди.

Хэй, одамлар билан онда-сонда гаплашиб қолганини айтмаса, ҳеч ким билан мулоқот қилмайди, саломлашмайдиям, саломга алик ҳам олмайди. Ҳеч ким унинг ҳақиқий исмини, ёшини билмайди. Бир қараган одам уни эллик-олтмиш ёшда, дейиши мумкин, гоҳида куч-қувватдан қолиб, силласи қуриган етмиш беш ёшли чолдек туюлади. Унинг бўйи баланд эмас, қотма, бироқ мушаклари офтобда қорайган, териси ялтираб туради. Умуман, Хэй – хушчақчақ одам, нозик ва қуюқ қошли чеҳрасида олийжаноблик аломатлари бўртиб туради.

– Ёшлигида бинойидай йигит бўлган эди-я, – дейишади қудуқ тепасига йиғилиб қолган хотинлар. – Ҳозир ҳам кўриниши чакки эмас. Яқинда, тун қоронғисида унинг ёнига биттаси келган эмишми?..

– Ким уни деб ўлиб турган экан?

– Ким келган бўлса, ўша-да. Бировларнинг ишига тумшуқ суқиш керак эмас.

Хэй бу ердаги ғийбатлардан хабардорми-йўқми, билдирмасди, ҳар ҳолда, индамайди. Бўйдоқлик ҳаётини ўзгартириш эса хаёлига ҳам келмасди.

У латта-путталардан пойандоз тўқирди. Латтафурушлардан эски-тускиларини сотиб олади. Харобазорда ўз қўли билан ғишт териб, қуриб олган ўчоғи бор, шунинг устига тоғора қўйиб, эски-тускиларни обдон қайнатади, кейин офтобга ёйиб қуритади. Қуриган латталарни икки энлик-икки энлик қилиб қирқади-да, бураб-бураб эшади. Хэйнинг оддийгина тўқув дастгоҳи ҳам бор. Ўзи ясаб олган бўлса керак. Тўқиган пойандозлари пишиққина бўлади. Бунақаларни одамлар ҳаммомдан кейин оёқ остига ёки хабати[1] тагига қўйишади. Хуллас, пишиқ-пухта пойандозларнинг бозори чаққон.

Хэй ҳар тонгда барвақт сочиғи билан тоғорасини, эски челагини кўтариб, қудуқ тепасига келади. Ювинади, челагини тўлдириб сув олади, кулбасига қайтади. Токчасидан мандарин солинадиган қутини олиб, ундан алюмин кастрюлькага озгина гуруч ва арпа солади, яна қудуқ тепасига боради, гуруч ва арпани ювиб, кулбага қайтади, кастрюлькани оловга қўяди.

Бу ернинг аҳолиси кўпинча кунбай ишлайди, шунинг учун саҳар туриб, Хэй билан олдинма-кетин қудуқ тепасига боришади. Баъзилар у билан гаплашмоқчи бўладилар, лекин у ўз одатича, индамайди. Кунларнинг бирида унга дуч келган жиззаки бир йигитчанинг жаҳли чиқиб кетди: «Нима, кармисан? Саломлашгандан кейин жавоб бермайсанми?» деганча мушт тугиб, Хэйнинг устига бостириб борди, бироқ унинг ниқоб сингари қотиб қолган афтини, қилт этмаган кўз қорачиқларини кўриб, тўхтаб қолди, аламидан қаттиқ сўкиниб, нари кетди.

–Этим жимирлаб кетди! – деб юрди кейинчалик бу йигитча. – Кўзларига шундоқ қараганимни биламан, вуй! Мурданинг кўзларидай бўлиб кўринди! Гаров ўйнайман, унинг томирларида қон эмас, муздек сув оқса керак-ов!

Хэй ҳар куни бир хил овқат ейди: гуруч ва арпадан баббаравар солади, мисо[2] ва тузламалар қўшади, ҳаммасини қайнатади. Мисони дўкондан сотиб олади, тузламаларни ўзи тайёрлайди.

У доимо ҳаракатда. Ишлайди эмас, ўрганиш бўлиб қолган ҳаракатларни бажаради. Эски-тускилар тиқиб ташланган қанорни елкалаб келади, ерга ағдаради, саралайди, қўлбола ўчоққа ўт ёқиб, латталарни тоғорага солади, устидан озгина ишқор сепади, қайнатади. Вақти-вақти билан тоғорадаги латталарни айлантириб туради. Бу ишларнинг ҳаммасини индамай, ҳеч қаёққа алангламай бажаради. Унинг гавдаси, қўллари, оёқлари зарур бўлганича ҳаракатлар қилади, холос. Хаёл, ҳиссиёт деган нарсалар ҳеч қайси ҳаракатида иштирок этмаётгандек.

Қудуққа келган хотинлар Хэй тўғрисида ғийбат қилишни хуш кўрадилар:

– Тўқиган пойандозлари бозорда талаш бўлиб кетади бунинг! Йиғиб қўйган ақчаси ҳам анчагина бўлса керак.

– Нима қиларкан шунча пулни? Бир ўзинг яшасанг, қариндошларинг кўринмаса, гўрингга олиб кетасанми?!

– Кинога бормаса, ҳатто радио ҳам сотиб олмаса! Балки хуфиёна қилиб... жононларга сарфласа керак-да?

– Хуфиёнаси нима, бизнинг кўчада ҳазиллашиб битта хуштак чалсанг бас, нечтаси югуриб келади-ку...

Бир куни Хэйнинг кулбаси олдида кичкина тугун кўтарган ёши элликларга борган аёл пайдо бўлди. Ўрта бўй, хушбичим, юзлари оппоқ, сочлари қоп-қора, қуюқ, қўғирчоқникидек чеҳрасида қоп-қора қошлари, қалин лаблари яққол кўзга ташланиб турарди.

Хэй уйида йўқ эди, аёл кутишга қарор қилди. Кулбани айланиб ўтиб, қуриган дарахт олдида узоқ вақт турди, дарахтнинг шохларини ушлаб кўрди, кейин чўнқайиб, девор тахтасига суяниб, кўзларини юмди. Шу ердан дайди ит лўкиллаб ўта туриб, аёлга бир қаради, ундан ўзи учун бирор қизиқ ҳид топмагач, алангламасдан югуриб кетди.

Икки соатдан кейин Хэй келди. Аёл ўйга чўмиб ўтиргани учунми, унинг келганини билмай қолди. Эшик ғичиллаб очилганини эшитгач, дик этиб турди ва ҳаяжондан нафаси тиқилиб, жойида қотиб қолди. Аёлнинг чиройли, оппоқ юзларига энди мўйқалам билан суртиб қўйилгандек қизиллик югурди. Тугунча ушлаган қўллари қалт-қалт титради.

Аёл кулбанинг эшигини очганда, Хэй унга орқа қилиб турганича эскириб кетган пальтосини ечаётганди. Аёл эшикни ёпиб, секингина «Бу мен», деди. Хэй ярим ечилган пальтосини ерга судраганича ўгирилиб қаради. Аёл тугунчани икки қўллаб кўкрагига босди, гўё шу билан ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлаётгандек эди. Таъзим қилди. Хэй унга тешиб

[1]*Хабати – хонани иситадиган кўчма манқал.*
[2]*Мисо – овқатга ишлатиладиган масаллиқ.*

юборгудек қаради. Аёлнинг ҳозиргина чиройли ва жозибали кўриниб турган чеҳраси бирданига тундлашиб сўлғин тортиб қолди.

Хэй индамай тескари қаради-да, пальтосини, унниқиб кетган қалпоғини ечиб, хонанинг нариги ярмига тўшалган тахта каравот устига ташлади. Аёл хонанинг қуруқ ердан иборат «даҳлиз»ини кўздан кечириб чиқди: стол, унинг остида ювинадиган тоғора, ишқор кукуни солинган тунука қути, катта шиша идишлар, иккита челак, рўпарада, девор остида – пастак жавон, унинг юқори токчасига идишлар тартиб билан терилган, бир қутича писка, совун идиш, пастки токчада – мандарин солинадиган учта қути ва алюмин кастрюлька.

Аёл тугунчасини каравот четига қўйиб, ичидан боғични олди ва кимоносининг кенг енгларини танғиди. Кейин бўш челакни кўтариб, ташқарига чиқди. Шу кундан бошлаб Хэйнинг кулбасида яшайверди.

Хэй аёл билан гаплашмади, ҳатто бетига ҳам қарамади. Назар-писанд қилмагани эмас бу. Шунчаки, аёлнинг кулбага келиши ва бу ерда яшаб юриши унинг учун мутлақо кутилмаган ҳолат эди. Аёл сув ташиди, овқат пиширди, супурди, кир ювди, озиқ-овқат олиб келиб юрди. Хэй аёл пиширган овқатларни еб юраверди, ювиб тозаланган кийимларни кийди, тўшаб берган ўринга ётиб ухлади. Буларнинг барини бошқа ҳамма ишлари сингари онгсиз ҳаракатлар билан қиларди. Овқат тановул қилаётганда ҳам «мен еяпман» деб ўйламас, шунчаки, зарурий ҳаракатларни бажарарди: чўплар билан овқатни илаштирар, оғзига юборар, чайнар ва ютарди.

Аёл келгани билан Хэй ўрганиб қолган кун тартиби тариқча ҳам ўзгармади. У илгаригидек, латтафурушлардан эски-тускиларни олиб келади, қайнатади, қуритади, тасмалар қирқади, пойандоз тўқийди. Агар аёл унга ёрдам беришни хоҳлаб қолса, индамай розилик билдиради. Хэй дастгоҳига ҳеч кимни йўлатмайди, деган миш-мишлар чиппакка чиқди. Ахир, пойандозларнинг бозори чаққонлиги шу дастгоҳ билан боғлиқ-да. Аёл дастгоҳда ишлагиси келганда хотиржамгина жойини бўшатиб берарди-да, ўзи бошқа ишларга уннаб кетарди.

Бир нечта пойандоз тайёр бўлгач, Хэй бозорга олиб боради. Бу орада ёлғиз қолган аёл кулбани тартибга келтиради, ташқарини супуради, сопол бўлакларини, шиша идиш синиқларини, қоғоз парчаларини ва яна минг хил чиқиндиларни суриб, кулбани тозалайди.

Кечки овқатдан кейин Хэй бироз дам олади-да, соат ўнларгача яна пойандоз тўқийди. Зарурагдан эмас, шунчаки, вақтни ўтказиш учун. Шамнинг хира ёруғидан кўзлари чарчаб, ёшлана бошлагач, дастгоҳни йиғиштириб ухлашга ётади. Аёл унинг ёнига аста чўзилади-да, юпқа адёл билан устини ёпади. Шамни ўчирганда, агар осмонда ой бўлмаса, хонани зимистон қоплайди. Хэй уйқусида у ёғидан бу ёғига ағанайди, бироқ ҳеч қачон хуррак отмайди.

Аёл секингина пиқиллаб йиғлайди. Унинг фиғони даладa шамолнинг эсишига ўхшайди, гоҳо тебранган ўтларнинг шитирлашига монанд билинар-билинмас шивирлаб қўяди:

– Дўкондаги ишлар яхши кетяпти. Куёвим, барака топсин, тиним билмай ишлайди. Яхши одам! Мени ҳурмат қилади. Сен тўғрингда гап очилгудек бўлса, меҳмонга чақираман, дейди, нуқул...

Яна бир пиқиллаб, давом этади:

– Мен нима қилай, айт... Ота-онамнинг ёлғиз меросхўри, эркатойи эдим, нима иш қилсам, ихтиёрим эди. Гоҳо ножўя иш қилиб қўярдим, лекин бу яхши иш эмаслигини тушунмасдим... Ўша одамни... ҳечам ёқтирмаганман... ўлиб турганим йўқ эди... бола ундан экан. Ўзим билмай қолдим... ҳеч бўлмаса, шу гапимга ишонгин.

Хэй қимир этмай ётаверади.

– Нима қилай энди? Сен кетиб қолганингга ҳам ўн беш йил бўлибди. Тушунаман, сенга оғир бўлди, ахир, менга ҳам осон эмас эди, қийналдим. Раҳматли онам, гуноҳинг оғир, эринг сени кечирмайди, дерди. Вафот этганидан кейин, ўзимни ўзим айблайвериб, нафратланавериб адойи тамом бўлдим.

Бу гаплар неча марта қайталанган бўлса, ҳар гал бир хилда, бир тартибда, ёдлаб олинган монолог сингари айтиларди: «оғир», «қийин», «чидаб бўлмайди», «ўзимдан ўзим нафратланаман». Такрорланавериб, уларнинг маъноси ўчиб кетган, фақат, ҳеч нарсани билдирмайдиган сўзларнинг шипиллаши эди бу, холос.

– Жазо муддатини ўтаб бўлгандан кейин ҳатто қотилнинг ҳам гуноҳи кечирилади, – дея шивирлайди аёл. – Сен нега мени кечиришни истамайсан? Айт, ахир, ҳамма айтганларингни бажараман...

Аёл нималар демасин, Хэй сукут сақлайди. У ҳеч нимани эшитмайди. Ўзини бепарво тутади. Гўёки йўлда ётган тош! Шамол тошни пуфлаб ўтади, тош эса, шамолга жавоб бермайди.

Аёл кулбада ўн икки кун яшади, ўн учинчи куни кетишга қарор қилди. Хэй навбатдаги пойандозларни сотиб келганида аёл тахта каравотнинг чеккасида, тугунчасини тиззасига босганча ўтирарди.

Қиш оқшоми қуюқлашган пайт. Хэй одатдагидек пальтосини, қалпоғини ечиб, аёлнинг ёнидан ўтиб, тахта каравот устига чиқди. Аёл мунғайиб ерга қаради. Унинг юзи сўлғин, қони қочган, тиззалари устига қўйган қўллари буришган. Ортидан Хэйнинг қадам товуши эшитилди. Балки, аёл Хэй бир нима деб қолармикин, деб умид қилгандир. Ниҳоят, аёл ўрнидан турди, сочларини қўли билан силади ва ичидан унсизгина хўрсинди.

– Демак, ҳеч нарса ўзгармайдими? – деб сўради у аранг эшитиладиган овоз билан. – Кечиришни истамаяпсанми?

Хэй каравотдан ерга тушди, токчадаги алюмин кастрюлькани очди, у бўм-бўш экан, демак, овқат пиширилмаган.

***

Кастрюлька бўш ётганини кўриб, Хэй гуруч ва арпа олиш учун қутига қўл солди. Аёл бугун овқат пиширмаганини учун ҳеч ажабланмади. Одатий ҳаракатлар билан гуручни, арпани ўлчаб солди, кастрюлькасини кўтариб, кулбадан чиқди.

Аёл тиззасига қўйган тутунчасини қўлига олиб ўрнидан ҳорғин турди ва ҳеч нарсани илғамаётган кўзларини паришон айлантирганича, кулба ичини қараб чиқди. Кейин кўрқа-писа ташқарига чиқиб, эшикни ёпди.

Осмондаги булутларни уфқ ортига ботиб кетган куёш сал-пал ёритади ва шундан, ерни қоплаган зулмат янаям қоронғироқ туюлади. Аёл кулбани айланиб ўтди, дарча олдидаги қуриган дарахт ёнида тўхтаб, уни қўли билан пайпаслади.

– Ҳа, ҳа, бу зайтун бўлса керак, – деб шивирлади.

«Дарахт қуриган бўлса-да, зайтунлигича қолган» демоқчимиди? Йўқ. Аёлнинг овози «Бу дарахт энди умуман кўкармайди» деган маънода умидсиз эди. У яна ҳам эгилибмункайганича йўлга тушди.

Хэй кастрюлькасини ўчоқ устига қўйиб, олов ёқди. Оппоқ тутун ингичка тасма бўлиб, тепага ўрлади. Оловнинг қип-қизил тили идишнинг остини ялай бошлади. Шуълада Хэйнинг кўланкаси ажралиб кўринди. Унинг бепарво юзи қотиб қолган, қорачиқлари кенгайган, ҳеч нимани кўрмаётган кўзлари қоронғилик томон нигоҳ солган.

Шамол кучайиб, ўчоқдан тутун чиқди, Хэй йўталайўтала оловга ўтин ташлади.

***"Очиқ деразалар" китобидан олинди***

# 2019

**Январь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 28 | 29 | 30 | 31 | | | |

**Февраль**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1 | 2 | 3 |
| 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 |
| 25 | 26 | 27 | 28 | | | |

**Март**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1 | 2 | 3 |
| 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 |
| 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 |

**Апрель**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 |
| 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 |
| 29 | 30 | | | | | |

**Май**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 |
| 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | | |

**Июнь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | 1 | 2 |
| 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 |
| 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 |

**Июль**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 |
| 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 |
| 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 |
| 29 | 30 | 31 | | | | |

**Август**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 |
| 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |
| 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 |
| 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 | |

**Сентябрь**

| Д | С | Ч | П | Ж | Ш | Я |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 1 |
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 |
| 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 |
| 30 | | | | | | |

**Октябрь**

| П | В | С | Ч | П | С | В |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| 28 | 29 | 30 | 31 | | | |

**Ноябрь**

| П | В | С | Ч | П | С | В |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1 | 2 | 3 |
| 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 |
| 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 |
| 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | |

**Декабрь**

| П | В | С | Ч | П | С | В |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 1 |
| 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 |
| 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 |
| 30 | 31 | | | | | |

